

**“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти  
юкори бошқарув органининг 19 – сонли қарори**

Тошкент шаҳри

2017 йил “21” июнь

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 58-моддасида барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган жамиятда акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказилмаслиги ва мазкур Қонун ҳамда жамиятнинг устави билан акциядорларнинг умумий йигилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан якка тартибда қабул қилиниши ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилиши белгиланган.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг ягона акциядори Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси хузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази (кейинги матнда ДАБМ) ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасидага мувофиқ “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг юкори бошқарув органининг ваколатига кирадиган қўйидаги масалалар бўйича қарор ягона акциядор томонидан қабул қилинади .

**1. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Кенгаш таркибини тасдиқлаш тўғрисида.**

Кун тартибидаги масала бўйича “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг бошқарув раиси биринчи ўринbosари Шукуров Акбар Сафаровичнинг ахбороти тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 июлдаги ПҚ-424-сонли “Давлат активларига эга айрим йирик акциядорлик компаниялари кенгашларининг таркибларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига асосан, жамият Кенгаш аъзоси бошқа ишга ўтказилганда, унинг ўрнига ушбу лавозимга тайинланган шахс Кенгашнинг таркибига киритилади. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 59-моддасига мувофиқ, жамият ягона акциядори кенгашнинг янги таркибини тасдиқлайди. Кун таркибидаги жамиятнинг янгилangan кенгаш таркибини тасдиқлаш тўғрисидаги масала мухокама қилингандан сўнг, жамият ягона акциядори қарор қабул қиласди:

**1. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Кенгаш таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансан.**

**“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ  
ягона акциядори, Давлат активларини  
бошқариш маркази бош директори в.в.б.**



Миралиев А.Э.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ  
юкори бошқарув органининг  
«21» 06 2017-йил  
карорига илова

**“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Кенгаш аъзолари тарқиби**

Арипов Абдулла Нигматович

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири

Раматов Ачилбой Жуманиязович

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг  
биринчи ўринбосари

Асамов Дилшод Дамирович

Ўзбекистон Республикаси Иктисадиёт  
вазири ўринбосари

Аминов Рустам Анварович

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат  
қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари

Усманов Анвар Ақрамович

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири  
ўринбосари

Юлдашев Абдусалом Абдукаххарович

Ўзбекистон Республикаси Давлат солик  
қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари

Мирзаев Мубин Мухиддинович

Ўзбекистон Республикаси Молия вазири  
ўринбосари

Ахмедов Дониёр Бахтиёрович

“Ўздавтемирйўлназорат” инспексияси  
бошлиғи